

Ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, меҳр-оқибат, баҳту саодат ёр бўлсин!



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2011-yil, 22-mart. Seshanba

• 37 (31.313)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАГИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандушлар!

Муҳттарам мемонлар!

Шу кунларда она юртимиз — Ўзбекистонимиз заминига гўзал баҳор нафаси билан бирга барчамиз орзигиб кутган Наврўзи олам кириб келмоқда.

Табиат очилиб, шаҳар ва қишлоқларимиз яшил либосга бурканиб бораётган мана шу лаҳзапарда сиз, қадрли ватандушларимни, бутун ҳалқимизни Наврўз байрами билан чин юракдан табриклаб, барчангизга ўзимизнинг самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Хурматли дўстлар!

Ҳалқимиз ҳамиша шоду хуррамлик билан кутиб оладиган кутлуг байрамлар ва саналар кўп. Лекин шу кунларда эл-юртимиз нишонлаётган Наврўзи олам биз учун энг қадими, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан холи бўлган, узоқ ўтишиб замонлардан бўён қадрятларимиз тимсоли бўлиб келаётган хосияти бир айём, яшариши ва янгилини фаслидир.

Шарқона янги йил бўлмиш бу сана одамзот қалбидан эзгу интилишларни ўйғотиб, унга умид ва ишонч, шукроналик тўйгуларини бағишлайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркагу аёл, ёшу қари — барча юртдошларимизнинг энг ардокли, катта хурсандчилик билан ўтказадиган севимли байрамидир.

Бу бетакрор айёмни ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада, бағримизни кенг очиб, «Хуш келибсан ўлқамизга, Наврўзи олам, қадаминг қултүр бўлсин, юртимизга тинчлик-омонлик келтириш!» деб қарши олиш азалий одатимизга айлануб қолган, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ана шундай холисона, пок ниятлар билан заҳматкаш деҳқонларимиз офтоб нуридан тобора кизиб бораётган ерга уруғ қадаб, бепоён далаларимиздан мўл ҳосил үндириши мақсадида янги меҳнат мавсумини бошлимодка.

Бугун мана шу мунаввар дамларда ҳаммамизнинг тилагимиз: фидойи деҳқон ва фермерларимизнинг, барча меҳнатчиларимизнинг баҳтини, омадини берсин, ишлари бароридан келсин.

Наврўз шукухи, қўкли шабодаси уфуриб турган шу дилбар фаслда инсон табиат билан янада яқинроқ ва уйғун бўлиб яшашга, ён-артифодиги одамларга, оиласи, ёр-дўстларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳурмат ва эҳтиром, меҳр ва эътибор билдиришга эҳтиёж сезади, сумаляк ва ҳалим, кўксомса каби тансик, ҳақиқатан ҳам миллий таомларимизни улар билан бирга баҳам кўришга интилади.

Махалла-кўй, эл-юрт билан ахил бўлиб, кўмакка муҳтоҷ бўлган инсонларга, ногирон ва беморларга беминнат ёрдам бериш, табарук кексаларнинг дусини олиш сингари азал-азалдан ҳалқимизга мансуб бундай олижаноб фазилатларимиз айни шу кунларда ўзининг яққол тасдигини топишни кузатиши мумкин.

Шуни айтиш керак — кимки ҳалқимизнинг меҳрибонлиги ва бағрикентлигининг ёрқин ифодаси бўлмиш ана шундай ноёб одатларимизнинг на мойшини кўрса, уларнинг чукур инсоний маъносини англасса, ҳеч шуб-

хасиз, доимо ҳайратда қолиши мүккабрар.

Наврўз руҳи, Наврўз фалсафаси билан ҳамоҳанг бўлган ўлмас шарқона қадриятларни неча-неча асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб келаётган ҳалқимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзиди, албатта.

Қадрли юртдошларим, азизларим! Бугун Ўзбекистонимизнинг тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, бизнинг асосий мақсадимиз бўлмиш янги жамият, янги ҳаёт қуриш, ҳалқ фаровонлигини юқалтириш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан мунособ жой олиш учун қатъий қадамлар қўйётганимизни ҳалқаро жамоатчилик эътироф этаётгани ҳаммамизни кунгиртиради ва янги куч-куват багишлайди, албатта.

Аввало, ҳалқимизнинг оғир ва маҳқатли меҳнати, ўз кучимиз ва саҳоятизимизни оқилона ишлатиш хисобидан эришаётган юксак натижага маҳоратларимиз ҳақида гапиргандага, эътиборнинг икки масалага алоҳида жалб этишини зарур, деб билилардим.

Биринчидан, бугун мана шундай ҳавфли-тажхикали, ўта нотинч бир даврда, жаҳон молиявий инкизоти хали-бери давом этаётган пайтда эл-юртимиз нимақи натижаларни кўлга кирийтасин, булаңнинг барчаси юртимиздан тобора мустаҳкам бўлби бораётган тинчлик ва осудалик, миллатлар, динлар ва фуқароларро то тувилик ва ахиллик, бир-биримизга ҳурмат ва эҳтиром хисобидан, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бундай ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган бойликин кўз қорачиғидек асраримизиз ва сезигр бўлиши-мизни замоннинг ўзи талаб этади.

Иккинчидан, биз ҳаётимизда эришаётган ютуқ ва марраларни ҳалқаро ҳаммажамият билан ҳамнафас бўлиб, узоқ ва якин, аввало, кўшини давлатлар билан ҳамкорликда иш тутишимизнинг самараси сифатидан кўрамиз ва бундай ҳамкорликни янада кучайтириш тарафдоримиз.

Наврўз руҳи барчамизни айни шундай орzu-ниятлар ва интилиш билан яшашга давлат этади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай шодишина кунда шу юксак минбардан туриб, бугунги тантанамизда биз билан бирга иштирок этаётгандан чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилири ва ҳалқаро ташкилотларнинг вакилларига, бизга хайриҳо бўлган барча дўсту биродарларимизни минанатдорлик билдириб, уларни Наврўзи олам билан самимий кутлашга руҳсат бергайсиз.

Азиз ва муҳттарам ватандушларим!

Бугунги унтилимас, улуғ айёмда нуроний отаҳон ва онажонларимизни, мунис опа-сингилларимизни, навқирон ёшпаримизни — ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айлануб бораётган менинг фарзандларимни яна бир бор чин қалбидан табриклиман.

Азиз бошингиз омон, умрингиз узоқ, ризку насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, меҳр-оқибат, баҳту саодат ёр бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Наврўз — яшариш ва янгилиниш рамзи

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий богида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

■ Она табиатнинг инсониятга ато этган бетакрор мўъжизаси, фусункор манзара бўй кўрсатмоқда... Борлиқ, замин, кири адиirlар ям-яшил гўззаликка бурканган. Анвойи гулларнинг муаттар ифори еру осмонга ажаб бир тароват, кўнгилларни яйратгувчи жўшқин ҳарорат багишламоқда.

Эрталабдан саҳий қуёшнинг ҳаётбахш нурлари таралмоқда. Эндиғина ниш ура бошлаган мойнечаклар, чумомалар, бинафашилар қошида жажхи болақонлар гир-тир айтаниб, ёғубор фаслда беғубор дамлар лаззатини тўймоқда. Момоларимиз таъёрлараган кўк чучвара, ялпиз сомса каби таомлар иси димокрин китилидай.

Турналар, қадироғулар мусаффо асосида вуҳудга келган. Зардустийлар оловни Қуёшнинг ердаги вонлик, тўкинликни мадҳ этиб кўйламоқда...

Ха, азизлар, бу фасллар келинчаги, яшариш ва янгилиниш фурсати Баҳордан дарак, ёшлиг, гўззалик, меҳру саховат, шукроналии айёми Наврўздан нишона.

Наврўз байрамининг сарчашмалари ажодларимизнинг коинот, Қуёш, Ерга бўлган эътиодларни асосида вуҳудга келган. Зардустийлар учун кураш миллат озодлиги

зарраси — фарзанди деб билиб, киши ва эрта баҳордаги маросимларда катта гулханлар ёқиб киши совуғини «ҳайдашган» ва кўклиларни «қакиришган». Наврўз катта байрамга айлануб, «Ийл боши» вазифасини ҳам ўтаган. Байрамлар маълиқи табият қонунлари, кўёшнинг ҳамал буржига кириши, кечва кундузнинг тенглashingи, кундузини узая бориси, табиатнинг жонлиниши билан бағли.

Яқин тарихимизда Наврўз ўз босидан не-не синовларни ўтказмади. Уни таъхирламоқчи, топтамоқчи билиши. Бизни беъбаъ айна-намиздан маҳрум қилишига уринишиди. Унга қарши ойлар кураш олиб борилди. Миллий қадриятлар учун кураш миллат озодлиги

учун, миллат эрки учун кураш эса

мамлакат мустақиллиги учун курашга айланди. 1990 йил 25 январда Республика раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда Наврўзни умуҳмал байрами сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул килинди. Ҳалқимиз учун энг азиз ва миллий байрам — шарқона янги йил яна ўзиғизга, ўзлигимизга қайти.

Улуғ истиқололимизнинг 20 йиллиги арафасида нишонланадиган бу йилги Наврўзининг шукухи, авви ўзгача. Мир Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидек:

Басли аро қўдим тенг эмиши бўйи сочи, Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди Наврўз.

(Давоми 2-бетда.)

Ҳар гўшада байрам таровати

■ Бугун пойтаҳт вилоятининг қайси гўшасида бўлманд, катта ўзгариш ва янгилинишларга рўбарў келасиз. Вилоятнинг қатор туман, шаҳарларида янги уй-жойлар, боғ-роғлар, гулзорлар барпо этилди.



Ҳар гўшада ободонлаштириши ишлари амалга оширилди. Саховатпеша ҳомийлар томонидан кам таъминланган ойлалар, ёлғиз қариялар холидан хабар олинаётди.

Тошкент вилоятининг асосий Наврўз тантаналари ўтлачирчик туманидаги «Кумовул» фуқаролар йигини худудида бўлбіл ўти. Бу ерда куй-қўшик янгради, ўйин-кулги авжига минди. Даастурхонларга кўклилар таомлари тортилди, кўнгилочар тадбирлар уоштирилди. Айниска, вилоят «Матлубот-инвест» давлат унитор корхонаси томонидан ташкил тартилди. Тартилган турли таомлар ва нонлар савдо ярмаркаси байрам иштирокчиларига манзур бўлди. Даастур хонкораси бўлим бошлиғи Наврўз Мирзакадимовининг айтисида, вилоятнинг Қиброй, Янгиёйл, Чиноз, Бекобод, Оҳангарон, Куйичирчик, Ўтлачирчик туманларининг кандолатчилари ва новвойлари тайёлаган патир нон, обинон, безакли нон ва юз хилдан ортиқ турли ширинликлар байрам даастурхонига тортиқ этилди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари сафидан мунособ ўрин эгаллаймиз

■ Ўзбекистонда иқтисодий, ижтимоӣ, хуқуқӣ ва демократик ислоҳотлар бир вағтнинг ўзида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Қўлга киритган барча муваффақиятлар замонида тадрижий ўй, узоқни кўзлаб, тарихий қадриятлар ва давлатчилик тажрибасига асосланбай амалга оширилаетган ислоҳотлар ётиди. Энг муҳими, тараққиётнинг бу йўлни ҳалқимиз бир тан-бир жон бўлбіл қўллаб-кувватламоқда. Президентимиз илгари сурған Концепция мана шу йўлдаги янги босқич асосларини яратди. Мазкур тарихий ҳужжатда қайд этилган ғоялар, шунга кўра қабул қилинаётган қонунлар жамият ва унинг ҳар бир аъзоси ҳаётда ўзгариш ясайди. Дунёга янада кенг қараб, янада ёниб яшашга унрайди.

→ 3

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Дунёниг энг ривожланган мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллаймиз

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Гулноза ЭРНАЗАРОВА,

Олий Мажлис Конунчиллик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Буш вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш халқаро амалиётга мос, шу билан бирга, ўзига хос хусусиятларга эга. Яъни, биринчидан, ишончсизлик вотуми бутун хукуматга эмас, балки Буш вазирининг ўзига билдирилиши мумкин. Иккинчидан, ишончсизлик вотуми Буш вазир ва Конунчиллик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган холда билдириллади. Учинчидан, бу масала сиёсий партияларнинг Конунчиллик палатасидаги фракциялари ёки депутатлик гурӯхлари томонидан эмас, балки палата депутатларнинг камидан учдан бир кисми томонидан кўтарилиши мумкин. Тўртинчидан, Буш вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тақиғи Президентномига расман киритилиши

керак. Президент эса бу тақиғи Олий Мажлис палаталари мухокамасига киритади. Бешинчидан, ишончсизлик вотуми Конунчиллик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг камидан учдан иккичисми овоз берган тақдирда қабул килинади.

Кўриб турибизки, янги институт манбаатлар мувозанати хамда ўзаро тийб туриш механизмини юзага келтирмоқда. Бунинг барчаси проворадиҳа ҳар биримиз ўз ишимиши тақомиллаштиришни, жамият олдидаги масъулийни чукур ҳис этишини тақоюз этиади. Шунга мувофқа бўлсан, бу механизми ҳар ким ўз ишимини виждандан адо этишига, бир сўз билан айтганда, ҳаёт юксалишига, ҳалқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қиласди.



Шукрат ТУРСУНБОЕВ,

Олий Мажлис Конунчиллик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Маълумки, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўз лавозимлари бўйича жойларда маҳаллий ижро ҳокимиятини бошкарида. Демек, ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ва маданий ривожлантириш бўйича масбуялар ҳам аввало, уларнинг зиммасида. Конституциямизга киритилгаётган ўзgartиш ва кўшишмачага кўра, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар

ҳокимини Ўзбекистон Республикаси Президенти Буш вазир тақдимига биноан тайналайди ҳамда лавозимдан озод этади. Бу эса ҳокимиятлар бўлунини тайомилига тўла мос келади. Энг асосийси, маҳаллий давлат ҳокимияти билан хукumat ўртасидаги алқони мустаҳкамлайди ҳамда икроҳ ҳокимият фаолиятини изчилаштиради.

таинлаш тўғрисидаги фармонини Сенат мухокамасига киритиш Сенатнинг ваколатини кенгаётгандир колмай, бюджетни шакллантириш ва икросини таъминлаш бўйича парламент назоратининг янги механизмини яратади.

Конституциямизга киритилгаётган барча ўзgartиш ва кўшишмачалар проворадида мамлакатимиз дунёниг энг ривожланган давлатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашига хизмат қиласди.

«Ўзбекистон овози» мухбири Бежзод ШУКУРОВ ёзиб олди.



Алишер СОДИКОВ,

Олий Мажлис Конунчиллик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ҳисоб палатаси Раисининг тайинлаши билан болғлик ўзgartиш ҳам жуда мухим. Маълумки, Ҳисоб палатасига масъул вазифа юқлатилган. У ўз фаолияти бўйича Олий Мажлисга ҳисоб беради. Президентнинг Ҳисоб палатаси раисини

таинлаш тўғрисидаги фармонини Сенат мухокамасига киритиш Сенатнинг ваколатини кенгаётгандир колмай, бюджетни шакллантириш ва икросини таъминлаш бўйича парламент назоратининг янги механизмини яратади.

Бўстонлиқда шодиёна

Пурвиқор тоғлар бағридаги бу гўзал гўшада ҳам Наврӯз байрами ўзгача тайёргарлик билан Фазалкентда нишонланди.

Тантанани туман ҳокими Баҳтиёр Султонов кириш сўзи билан очиб, кейинги ийларда туманда олиб бориляётган кенг кўлмалар ислоҳотларга алоҳида тўхтади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ийлида бошланган хайрли ишлар янада мухим аҳамият касб этишини таъкидади.

— Кўриб турганингиздек, туманинг барча аҳолиси кўтариники руҳда байрам сайлига чиқишган, — дейди «Кўмкўргон» кишлоп фуқаролар йигини раиси Арофат Муҳиддинова.

— Бахор кириб келиши билан барча кишлоп, ва маҳаллалар ободонлаштирилди. Туманинг чекка-чекка кишлоп, ва маҳаллаларидаги ҳар бир хонадонда Наврӯз таомлари — ҳалим, кўк сомса, сумалак пишириш давом этмоқда. Шунингдек, ёлғиз кексалар, бокувчисини йўқот-

ган ва кам таъминланган оила фарзандларига ҳомийлар ёрдамида совфа-саломлар улашилмоқда. Чунки, Наврӯз меҳр-муруват, хайр-саҳоват байрамидир. Шунингдек, яқинда энг улуг, энг азиз байрамимиз Мустақиллигимизнинг 20 йилиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан маҳалламиздаги ҳар бир хонадон 20 тундан мевали ва манзарали даражат кўчатларни экмоқда.

Тантаналарда Наврӯзининг ҳалқимиз хәётидаги ўрни, унинг тақорламаси кўрку тароватини ифода этган театрлаштирилган томошалар, фольклор жамоаларининг ранг-баранг чиқишила-ри, юртмиздаги тинчлик ва осойиштапли, кўйлам согинчини мадҳ этувчи кўй-кўшиклиар барчага хуш кайфият бағишилади.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ

Мехрибонлик уйида байрам

Хўжалий туманинаги 1-Мехрибонлик уйида 117 нафар тарбияланувчига 20 нафардан зиёд ўқитувчи-тарбиячи таълим бериг бўлмоқда. Бу йил Мехрибонлик уйида Наврӯз байрамига катта тайёргарлик кўрилди. Байрам арафасидаги маскан ҳудудида манзарали ва мевали даражат ниҳоллари ўқазилиб, кенг кўлмалар ободонлаштириши ишлари олиб борилди.

Наврӯз байрами учун тузилган дастур «Бешик тўйи», «Келин саломи» намойиши билан бошланди. Лапар-айтишувлар, рақслар, ҳалқ ўйинлари, кизикарли спорт мусобакалари байрам кечасига кўтариники руҳ баҳш этди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Кувонч ва шодлик шукуҳи

Наврӯз байрами муносабати билан Термиз шаҳридаги амфитеатр маҳмусига жамоатчилик вакиллари ва меҳмонлар йигилди. Вилоят ҳокими Туробjon Жўраев вилоят ахлини муборакбод этди. У вилояти ижтимоий-иктиносидор ривожлантириши, ҳалқ фаровонлигини ошириш йўлида олиб бориляётган кўламли ишлар ҳақида қисқаша тўхтабиётди.

— Мустакиллик ийларидаги давлатларимиз орасидаги иктисадий, сиёсий ва маданий алоқалар ривожланди, — дейди хиндистанлик мөхмон Деваражон Пиллаи ханоблари. — Шарқ ҳалқлари орасида кенг тантана килинадиган байрамни бу йил Сурхондара кутиб олиш насиб этганидан хурсандман. Урфодатлар, миллий анъаналар билан уйгунлашиб кетган томошалардан олам-жаҳон завқ олдим. Мехмондуст, кўнгли очик ўзбек ҳалқига хурматим чекис...

Тантанада Йилбошининг ҳалқимиз хәётидаги ўрни, унинг тақорламаси кўрку тароватини ифода этилган саҳна кўринишлари, фольклор жамоаларининг ранг-баранг чиқишиларидаги тинчлик ва осойиштапли, бунёдкорлик улуғланди.

Абдувалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Кўнғирот сода заводи жамоаси

халқимизни Наврӯз айёми билан табриклайди.

Назрўзи олам қалбларимизни қўзончга тўйлдирсин! Рўзгоримиздан қўт-барақа аримасин! Тинчлигимиз абадий бўлсин!

Азиз ватандошлар!

Барчангизга келгуси ишларингизда ривож ва сиҳат-саломатлик, оилавий баҳт тилаймиз!





ХАЛҚ BANKI

Ўзбекистон Республикаси
давлат-тижорат

ХАЛҚ БАНКИ

жамоаси

барча юртдошларимизни

НАВРУЗ АЙЁМИ

билин табриклайди!

Юртимиз тинч, турмушимиз янада фаровон,
осмонимиз ҳамиша мусаффи бўлсин!

Халқ банки кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлади.

ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!



«САМАРҚАНД ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»

АКЦИЯДОРЛИК жамияти жамоаси

юртдошларимизни

Наврӯз байрами

билин самимий

муборакбод этади!

Ватанимиз янада чирой очиши,
халқимиз турмуш фаровонлиги
янада юксалиши йўлида меҳнат
қилишдан толманг!

Наврӯзингиз муборак бўлсин!



MUASSIS:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

ТАHIR HAY`ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Gaffor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)

Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO`LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatkhilk bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 233-12-56;
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko`chasi, 32-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro`yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Ko`konqa manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshnba, payshanba va shanba

kunlari chigadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallari
ko`chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 349

21781

nuxsada

bosildi.

t — Tijorat materiallari

O`ZA yakuni — 19.10

Topshirilgan vaqt — 22.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston
ovozi»ning kompyuter
markazida terildi va
sahfalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

халқимизни Наврӯзи олам

билин муборакбод этади!



Осмонимиз мусаффи,
юртимиз тинч,
дастурхонларимиз
тўкин-сочин бўлсин!

МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ

жамоаси

юртимиз аҳлини
кўҳна ва боқий

Наврӯз байрами

билин самимий табриклайди!



Ватанимиз тараққиёти,
халқимиз фаровонлиги йўлидаги
эзгу ишларингизда омад тилайди!

Наврӯзи олам муборак!

Газетанинг навбатдаги сони 26 марта, шанба куни чиқади.